# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2016 йил 23 февраль, № 37 (6472) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# КЕЛАЖАК ЭНЕРГИЯСИ



*Мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган янгиланиш ва ўзгаришлар саноат тармоқларига "яшил иқтисодиёт" тизимини жорий қилиш, инновацион тараққиётни жадаллаштириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга қаратилгани билан эътиборга моликдир. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муҳим омили — энергетика тизимини модернизациялаш, энергия ҳосил қилишнинг муқобил манбаларидан кенгроқ фойдаланиш борасида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар бугун ўз самарасини бермоқда.*

**ФАРМОН ВА ИЖРО**



Республикамизда электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш суръати оширилиши баробарида, бу жараёнда ишлатиладиган табиий ресурслар сарфини камайтириш, айниқса, муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни такомиллаштиришга эришилаяпти. Президентимизнинг 2013 йил 1 мартдаги "Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони, айниқса, кенг имкониятлар эшигини очиб берди.

Ноанъанавий энергия ресурслари, жумладан, қуёш энергиясидан фойдаланиш учун Ўзбекистонимизнинг деярли барча ҳудуди етарли салоҳиятга эга. Табиат ато этган беназир бу туҳфани ўз ўрнида ишлатиш мақсадида турли қувватлардаги фотоэлектр станциялар, қуёш энергияси билан сув иситадиган қурилмалар ишлаб чиқариш ўзлаштирилаётир. Хусусан, ўтган йили Наманган вилоятининг Поп туманида 130 киловатт қувватга эга бўлган қуёш фотоэлектр станцияси ишга туширилди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида ушбу масалага тўхталар экан, 2020 йилга бориб юртимизда ҳар бири 100 мегаватт қувватга эга яна учта қуёш электр станциясини фойдаланишга топшириш режалаштирилганини алоҳида таъкидлади.

Мазкур қуёш фотоэлектр станциялари минтақада бунёд этилаётган дастлабки йирик муқобил энергия иншоотлари эканлиги билан диққатга сазовор. Шундан биттаси Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманида қурилади. Шу мақсадда қуёш нури тик тушадиган қулай жой танлангани электр энергияси ишлаб чиқариш қувватини келажакда янада ошириш имконини бериши айтилмоқда.

"Ўзбекэнерго" акциядорлик жамиятидан маълум қилишларича, айни пайтда Намангандаги қуёш фотоэлектр станциясида тажриба-синов ишлари давом этаяпти. Унинг натижалари янги объектлар учун қимматли манба вазифасини ўтайди.

**(Давоми 2-бетда).**

**НАВРЎЗ НАФАСИ**



Баҳор — янгиланиш, яшариш палласи. Шу боис уни соғиниб кутамиз. Майин шаббода, қуёшнинг илиқ тафти, табиатнинг гўзал ва бетакрорлиги, гулларнинг ёқимли ифори дилларни чароғон этиб, ажиб ҳис-туйғуларни жўш урдиради. Бундай пайтда одам ич-ичидан яйрайди, қолаверса, яратиш, яшнатиш, бунёдкорлик ишларига астойдил бел боғлайди.

# Асл миллий, энг ардоқли байрам

Фасллар келинчаги халқимизнинг энг эзгу ва гўзал қадриятлари, унинг олижаноб орзу-интилишларини ўзида мужассам этган Наврўзи оламни етаклаб келади. Наврўз, айниқса, мустақиллик йилларида ўзгача тароват ҳамда жозиба касб этди. Мамлакатимизда яшаётган барча миллат ва элат вакилларининг орзиқиб кутадиган, том маънодаги миллий байрамга айланди. Чунки у тинчлик, омонлик ҳамда аҳиллик айёмидир.

Давлатимиз раҳбарининг 19 февралдаги "2016 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, юртимиз ҳудудларида мазкур байрамни муносиб кутиб олишга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Ушбу ҳужжатда белгиланганидек, Наврўз байрами пойтахтимиз Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, барча шаҳар, туман ва қишлоқларда умумхалқ сайиллари шаклида ўтказилади. Шунингдек, бу кунларда инсон ўзини табиат билан узвий боғланганини, унинг ажралмас бир қисми сифатида ҳис этишини ифодалайдиган, атроф-муҳитни, она-заминни ардоқлаб, унинг неъматларини, бугунги тинч ҳаётни қадрлаб, шукроналик туйғуси билан яшашга даъват қиладиган маънавий-маърифий тадбирлар уюштирилади. Мазкур айёмнинг руҳи ва фалсафасида ўз аксини топган меҳр-мурувват, аҳиллик ҳамда тотувлик, ёши улуғ инсонлар, табаррук отахону онахонларни ҳар томонлама эъзозлаш, кўмакка муҳтож кишиларга беғараз ёрдам бериш билан боғлиқ хайрия тадбирлари ўтказилади. Тантаналарда фольклор санъатининг энг яхши намуналари, мумтоз куй-қўшиқлар, ўлан ва лапарларга кенг ўрин берилади.

**(Давоми 2-бетда).**

# Давлат бюджети маблағларининг мақсадли сарфланиши — муҳим вазифа

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда депутатлар Ҳисоб палатасининг 2015 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни дастлабки тарзда кўриб чиқдилар.

**ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ**

Йиғилишда Ҳисоб палатасининг фаолияти мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш асосий йўналишларининг ижросида муҳим ўрин тутиши таъкидланди. Шунингдек, у бюджет маблағларини самарали ва мақсадли сарфланиши устидан тизимли мониторинг ўрнатиб, иқтисодиётни таркибий жиҳатдан ўзгартириш, унинг барқарор ўсиш суръатларини ва рақобатдошлигини ошириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ҳамда технологик янгилаш, аҳоли бандлигини таъминлаш каби муҳим масалаларни ечишга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Тақдим қилинган ахборотда қайд этилганидек, Ҳисоб палатасининг ҳисобот давридаги фаолияти 2015 йилнинг январь ойида бўлиб ўтган мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган энг муҳим устувор йўналишлар ва вазифаларни инобатга олган ҳолда ташкил қилинди.

Бюджет қонунчилигига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2015 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисобот ташқи аудит ва баҳолашдан ўтказилган, 2016 йилга мўлжалланган солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари ҳамда Давлат бюджети лойиҳасининг экспертизаси амалга оширилган. Ҳисоб палатаси томонидан Давлат бюджетининг республика ва ҳудудлар даражасида шакллантирилиши ва ижро этилиши устидан назорат ташкил қилинган, шунингдек, бюджет маблағларининг қонун доирасида мақсадли йўналтирилиши ва самарали сарфланиши устидан текширишлар олиб борилган.

**(Давоми 2-бетда).**

# Ўзбекистон терма жамоаси Осиё чемпионати совриндори

*Пойтахтимиз мезбонлик қилган минифутбол бўйича Осиё чемпионати ниҳоясига етди.*

Нуфузли мусобақа финалида Ўзбекистон терма жамоаси Эрон футзалчиларига қарши майдонга тушди. Очиғи, вакилларимизнинг якуний баҳсдаги рақиби олдинги босқичлардаги жамоалардан анча фарқ қиларди. Аввало, эронликлар ушбу биринчиликка қадар ўн марта қитъа чемпионлигини қўлга киритган жамоа сифатида барчага яхши маълум эди. Қолаверса, улар мазкур спорт тури бўйича бир неча бор жаҳон чемпионатида қатнашган. Жамоа бу галги мусобақанинг ҳам финалигача йирик ҳисобларда зафар қучиб, футзалда ўзига хос тажриба мактабини шакллантирганини намойиш этди. Шу боис кўпчилик сўнгги ўйинда эронликлар осонлик билан, ҳатто, катта ҳисобда ғалаба қозонишини тахмин қилганди. Аммо Ўзбекистон терма жамоаси ҳам маҳорат бобида улардан кам эмаслигини исботлай олди.

**(Давоми 4-бетда).**

## Янгиликлар, воқеалар, хабарлар



### Нафис гиламлар жилоси

**Жиззах**

Жиззах туманида ипакдан гилам тўқишга ихтисослаштирилган "Чинор карпет" масъулияти чекланган жамияти ишга туширилгач, 40 нафарга яқин хотин-қизларнинг бандлиги таъминланди.

Айни пайтда корхонада миллий анъаналар асосида тайёрланаётган бежирим гиламлар харидорларга манзур бўлаяпти. Бунда Европадан келтирилган замонавий дастгоҳлар асқатмоқда.

Жамоа бу йил маҳсулот экспортини йўлга қўйишни ҳам мўлжаллаётир.

**Тожиддин ҚАМАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

### Мавсумбоп автобекатлар

**Самарқанд**

Самарқанд шаҳрининг Рудакий кўчасида шаҳарсозлик талабларига мос кўп қаватли туаржойлар ва маиший хизмат шохобчалари билан бир қаторда, замонавий автобекатлар ҳам бунёд этилмоқда.

— Уларнинг афзаллиги очиқ ва ёпиқ кутиш хоналари мавжудлигидадир, — дейди "Замон сифат сервис" масъулияти чекланган жамияти иш бошқарувчиси Равшан Аслиев. — Қолаверса, иситиш ва совитиш тизимлари ўрнатилган. Бу эса ёғингарчилик мавсуми ва қиш фаслида аҳоли, айниқса, кексалар ҳамда болалар учун қулайлик туғдиради.

Келгусида Самарқанд шаҳрининг бошқа кўчаларида ҳам ана шундай бекатлар барпо этилиши кўзда тутилган.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

### Бозор талаблари асосида

**Фарғона**

Қувасой шаҳрида қурилиш саноати яхши ривожланган. Эндиликда маҳаллий ишбилармонлар бошқа соҳаларда ҳам тадбиркорлик фаолиятини кенгайтиришга эришмоқда. Буни ҳудуддаги "Мунис файзли мебеллари" масъулияти чекланган жамияти фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ҳозирги пайтда корхонада илғор дастгоҳлар ёрдамида замонавий дизайнда уй-рўзғор жиҳозлари тайёрланаяпти. Бу жараёнда маҳаллий хом ашёдан фойдаланилаётгани маҳсулот таннархини арзонлаштириш имконини бермоқда.

— Бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда иш юритаяпмиз, — дейди ушбу корхона раҳбари Аъзамжон Қосимов. — Муҳими, интилишларимиз зое кетмаяпти. Тайёрлаётган кўркам мебель жиҳозларимиз харидорларга манзур бўлаётгани боис ишлаб чиқариш ҳажмини янада оширмоқчимиз.

**Набижон СОБИРОВ.**

### Алоқа сифати яхшиланмоқда

**Хоразм**

"Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг Хоразм вилояти филиали жамоаси алоқа хизмати сифатини янада яхшилаш мақсадида соҳага замонавий технологияларни жорий этмоқда.

Хусусан, айни пайтда воҳанинг барча ҳудудида умумий сиғими 98,4 минг рақамга тенг 111 телефон станцияси мавжуд. Улар орқали 81 минг фойдаланувчига хизмат кўрсатилаяпти. Ўтган йили аҳолини интернет тармоғи билан таъминловчи кенг полосали қурилмалар сиғими 110,4 фоизгача оширилиб, 25861 портга етказилди. Улардан ҳозирги кунда 20754 абонент фойдаланаётир. Қолаверса, 2015 йилда 137 километрдан ортиқ оптик толали алоқа линиялари тортилди. Жорий йилда эса уларнинг масофаси яна 93 километрга узайтирилади.

Бундай технологик янгиланишлар мижозларга қўшимча қулайликлар яратмоқда.

**Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

2

**БИР РАҚАМ ШАРҲИ**

**Сўнгги уч йил давомида мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга қаратилган**

**22 минг 800 дан ортиқ лойиҳалар амалга оширилди.**

Қишлоқ жойларда мазкур соҳани янада жадал тараққий эттиришга қаратилган дастур доирасида бажарилган бундай кенг кўламли ишлар кўрсатилаётган хизматлар ҳажмини ошириш, сифатини тубдан яхшилаш, шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим омил бўлди.



# Спорт жиҳозлари ишлаб чиқарилмоқда

**Наманган**

Вилоят марказидаги "Машхим" масъулияти чекланган жамиятида маҳаллий хом ашё асосида 110 дан ортиқ турдаги импорт ўрнини босувчи спорт жиҳозлари ишлаб чиқарилмоқда. Яқинда улар қаторига оғир атлетика машғулотларига мўлжалланган 8 турдаги ускуна ва анжомлар ҳам қўшилди.

— Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси асосий буюртмачимиздир, — дейди ушбу жамият мутасаддиси Жамшид Қурбонов. — Масалан, ўтган йили 7,2 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрлаган бўлсак, шундан 4,5 миллиард сўмлик қисми мазкур муассаса тасаррруфидаги иншоотларга етказиб берилди.

Кичик бизнес субъектида 2015 йилда 580 миллион сўм эвазига таъмирлаш ишлари амалга оширилгач, таълим ва тиббиёт масканлари учун мебеллар ишлаб чиқаришга ҳам киришилди. Эндиликда навбатдаги лойиҳа — корхонани тўлиқ модернизациялашга ҳозирлик кўрилмоқда.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Экспорт салоҳияти ошди

**Бухоро**

Молия муассасаси томонидан ажратилган 3 миллиард сўмдан зиёд кредит Бухоро шаҳридаги "Де люкс фабрик" масъулияти чекланган жамиятида модернизациялаш тадбирларини муваффақиятли амалга ошириш имконини берди.

Натижада корхона Бельгияда ишлаб чиқарилган замонавий тўқув дастгоҳлари ва бошқа зарур ускуналар билан жиҳозланди. Бизнес лойиҳа шарофати билан элликдан зиёд иш ўринлари яратилди. Шу тариқа жамиятнинг экспорт салоҳияти ошиб, ўтган йили 130 минг АҚШ долларилик маҳсулот чет эллик буюртмачиларга етказилди.

Айтиш ўринлики, бу каби техник ва технологик тадбирлар вилоятдаги кичик бизнес субъектларининг ташқи бозордаги иштирокини кенгайтирмоқда. Жумладан, 2015 йилда уларнинг ҳудудий экспортдаги улуши 47,4 фоизни ташкил этгани бунинг тасдиғидир.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Имтиёз ва натижа

**Андижон**

Ўтган йили ҳудуддаги "Электродвигатель" корхонасига қарашли бўш турган бино 200 миллион сўм миқдорида инвестиция киритиш шарти билан "Сегаза қуювчи" масъулияти чекланган жамиятига "ноль" қийматида сотилган эди.

Бу ерда кенг кўламли таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, мавжуд цехлар компьютерлаштирилган тўқув дастгоҳлари билан таъминланди. Натижада кунига 2 минг жуфт пайпоқ тўқиш йўлга қўйилди. Шу билан бирга, алюминий эшик-ромлар учун 5 турдаги ёрдамчи материаллар ҳамда пахта тозалаш корхоналарига мўлжалланган бутловчи буюмлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

— Илгари ижара асосида фаолият юритган бўлсак, энди ўз биномизга эгамиз, — дейди жамият раҳбари Шавкатбек Мамадалиев. — Келгусида яна янги лойиҳалар эвазига қўшимча иш ўринлари яратишни мақсад қилганмиз.

**Саидаҳмад ШУКУРОВ.**

# Тўдакўл саховати

**Навоий**

Қизилтепа тумани ҳудудидаги Малик чўлида тўрт минг йиллик тарихга эга Тўдакўл ҳавзаси жойлашган. Табиатнинг бу инъоми "Наргиз диёр" фермер хўжалиги жамоасини истиқболли бизнес-режа тузишга ундади.

Шу тариқа "Яшил диёр" хусусий корхонаси ташкил этилиб, бу ерда балиқчилик фаолияти йўлга қўйилди. Бинобарин, қадимий кўл атрофида айни пайтда йўқолиб кетиш хавфи бўлган ноёб қушларни парваришлаш ва кўпайтиришга киришилди.

Эндиликда жамоа аъзолари ҳудудда экотуризмни ривожлантиришга ҳам ҳаракат қилмоқда. Шу мақсадда ҳавза бўйида 100 ўринли меҳмонхона барпо этиш режалаштирилган.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Давлат бюджети маблағларининг мақсадли сарфланиши — муҳим вазифа

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Давлат бюджети даромадлар қисмининг тўғри шаклланиши, шунингдек, бюджетни ҳудудлар ҳамда тармоқлар кесимида доимий ва самарали сарфланиши таҳлил қилиниб, асосий даромад манбалари прогноз кўрсаткичларининг ҳаққонийлигига баҳо берилган. Бундан ташқари, ҳисобот даврида бюджетдан ташқари жамғармаларнинг маблағлари тўлиқ шаклланиши, самарали ва мақсадли сарфланиши устидан тизимли назорат ўрнатилган ҳамда бошқа кўплаб муҳим йўналишларда ишлар олиб борилган.

Йиғилиш иштирокчилари Ҳисоб палатасининг ҳисоботини атрофлича муҳокама қилган ҳолда Давлат бюджети маблағларини қонуний, мақсадли ва самарали сарфланиши устидан бир қатор вазирлик, идора ҳамда ташкилотларда ўтказилган назорат тадбирларига алоҳида эътибор қаратдилар. Жумладан, 30 та йўналишдаги 90 та ташкилотда олиб борилган назорат-текшириш тадбирлари якунига кўра, Ҳисоб палатаси томонидан берилган таклифлар асосида 2015 йилда амалдаги бир қатор қонун ва қонуности ҳужжатларига ўзгартишлар киритилди ҳамда услубий қўлланмалар тайёрланди.

Ўтган йили Ҳисоб палатасининг 2014 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини кўриб чиқишда депутатлар томонидан Ҳисоб палатаси ўтказган текширув натижаларини жойлардаги халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг сессияларида парламент аъзолари ҳамда тегишли вазирлик ва идораларнинг мутасадди раҳбарлари иштирокида муҳокама қилиш бўйича таклиф киритилган эди. Ҳисобот ушбу таклифнинг самарали бўлганини кўрсатди. Жойларда бўлиб ўтган тадбирларда Ҳисоб палатаси томонидан аниқланган камчиликлар, бюджет интизомини бузиш ҳолатлари танқидий кўриб чиқилди. Шунингдек, молиявий хато ва камчиликларнинг келиб чиқиш сабаблари, алоқадор вазирлик, идора ҳамда ҳокимликлар томонидан уларни бартараф этиш юзасидан кўрилган чораларнинг самарадорлиги таҳлил қилинди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар жойларда ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонунчиликка тегишли ўзгартиш киритиш учун назорат тадбирлари якунини чуқур ўрганиш борасида парламент қуйи палатаси ҳамда Ҳисоб палатасининг ҳамкорлиги самарадорлигини янада ошириш мақсадга мувофиқлигини эътироф этдилар.

Ҳисоб палатасининг ҳисоботи муҳокамалари якунлари бўйича қўмита фракциялар ва депутатлар гуруҳи вакилларининг таклиф ҳамда фикрларини инобатга олган ҳолда хулосани тайёрлади ва уларни Қонунчилик палатасига кўриб чиқиш учун тақдим қилади.

**Зиёда АШУРОВА.**

# КЕЛАЖАК ЭНЕРГИЯСИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Юртимизда муқобил энергия манбаларига жиддий эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Чунки у қайта тикланувчанлиги, экологик жиҳатдан беэарарлиги билан ажралиб туради. Қолаверса, табиий бойликлар захираси чекланган бўлиб, вақти келиб унинг тугаши аллақачон исботланган. Ҳисоб-китобларга қараганда, нефть захиралари 45 — 50 йилга, табиий газ 70 — 75 йилга, кўмир эса 150 — 160 йилга етар экан.

Гарчи, республикамиз углеводород хом ашёси манбаларига бой бўлса-да, улардан оқилона фойдаланиш, келажак авлодга қолдириш мақсадида электр ва иссиқлик энергияси олишнинг муқобил усуллари босқичма-босқич амалиётга жорий қилинаяпти.

Кичик фотоэлектр станцияларидан дастлабки босқичда юртимизнинг тоғли ва чекка қишлоқлари аҳолиси фойдаланишган бўлса, кейинги босқичда у ижтимоий соҳа объектлари — қишлоқ врачлик пунктлари, таълим муассасалари, Меҳрибонлик уйларида татбиқ қилинди. Сўнгра пахта тозалаш корхоналари ва уни қабул қилиш пунктлари, шунингдек, саноатнинг бошқа тармоқларида ҳам қўлланила бошланди.




Мутахассисларга аёнки, қуёш электр станциялари ва сув иситиш гелиоколлекторларини барпо этишда кремний, германий, галлий арсениди, кадмий-теллур, галлий фосфиди каби яримўтказгич материалларидан фойдаланилади. Бугунги кунда эса кремний асосидаги қурилмалардан 25 — 30 йил, ҳатто, 35 — 40 йил давомида фойдаланиш мумкинлигидан келиб чиқиб, ушбу материал кенг қўлланилмоқда.

Ана шу ноёб саноат хом ашёси заминимизда етарли эканлиги, кейинги йилларда саноат усулида ишлаб чиқарилаётганига, очиғи, барчанинг ҳаваси келмоқда. Мисол учун, 2012 йилда "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасида ишга туширилган "Uz-Kor Silikon" Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси йилига 12 минг тонна техник кремний, 6,1 минг тонна микрокремнезем ишлаб чиқариш қувватига эга. Бу каби қулайликлар туфайли кейинги йилларда соҳага ихтисослаштирилган ўнлаб корхоналар ташкил қилиниб, самарали фаолият юритаяпти. Уларда электр қуввати олиш учун кичик қуёш станциялари, иссиқ сув ва иссиқлик таъминоти учун паст потенциалли қурилмалар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, хусусан, қуритиш ускуналари тайёрланиб, аҳолига етказиб берилаяпти.

> Юқорида номи келтирилган Фармонга мувофиқ, соҳада экспериментал ва амалий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш, тажриба лойиҳаларини амалга ошириш, ўзимизда тегишли ускуналар, бутловчи буюмлар ҳамда материалларни ишлаб чиқариш, уларга сервис хизмати кўрсатишни ташкил қилиш бўйича тизимли ишлар олиб борилаяпти. Натижада зарур хом ашёдан тортиб, инновацион қурилмаларни тайёрлашгача бўлган жараён босқичма-босқич маҳаллийлаштирилмоқда.

Пойтахтимиздаги "Mir Solar" масъулияти чекланган жамияти шулардан бири. Мазкур корхона жамоаси салкам ўн йилдан буён ички бозорга импорт ўрнини босувчи қурилмалар чиқармоқда.

— Давлатимиз раҳбарининг Фармони нафақат муқобил энергия манбаларидан иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳаларда кенгроқ фойдаланиш, балки бунинг учун зарур бўлган қурилмаларни ишлаб чиқариш салоҳиятини кескин ошириш имконини берди, — дейди жамият раҳбари Акрам Мирзабоев. — Сабаби, унга мувофиқ, фотоэлектр панеллар тайёрлаш бўйича лойиҳалар имтиёзли кредитлар билан молиялаштирилиши, қуёш ҳамда биогаз энергиясини ишлаб чиқарувчилар, ҳатто фойдаланувчиларга солиқ ва божхона имтиёзлари берилиши белгилаб қўйилди. Биз ҳам яратилган бундай шароитлардан унумли фойдаланиб, фаолиятимизни кенгайтириб бораяпмиз. Айни пайтда уй, дала-ҳовли, фермер хўжаликлари учун мўлжалланган "KFS-50/12", "KFS-100", "KFS-300", "KFS-500" ва "KFS-1000" моделидаги фотоэлектр станциялар, "SUV-10" сув иситиш қурилмаси, шунингдек, бир неча турдаги ускуналар ишлаб чиқарилиб, буюртмачиларга етказиб берилмоқда.

Шу ўринда айтиш керакки, жамият иш бошлаган дастлабки йилларда қуёш қурилмаларини тайёрлаш суръати ҳам, уларнинг қуввати ҳам паст эди. 2009 йилда Маҳаллийлаштириш дастурига киритилиб, хорижнинг замонавий технологик линияси билан қайта жиҳозлангач, ишлаб чиқариш ҳажми бир неча баробар ошди. Муҳими, қуёш электр станциялари учун зарур хом ашё ва бутловчи ускуналарнинг асосий қисмини шу ерда тайёрлаш ўзлаштирилди.

Корхонада ишлаб чиқарилаётган 25 Ваттдан 200 Ваттгача бўлган қуёш панелларининг сифати юқори бўлиб, минтақамиз иқлимига мослаштирилган. Бу эса маҳсулотларга талаб йил сайин ошишига хизмат қилмоқда. Улардан нафақат аҳоли хонадонлари, балки қишлоқ врачлик пунктлари, таълим муассасалари, саноат корхоналарида фойдаланилаётгани шундан далолат беради.

Корхона жамоаси талаб ва эҳтиёжни ҳисобга олиб, қуёш электр станциялари ҳамда коллекторлари турини кўпайтириш, мавжудларини янада такомиллаштириш пайидан бўлаётир.

Муқобил энергия манбаларига "келажак энергияси" дея таъриф берилади. Юртимизда эса улар аллақачон амалиётга киритилиб, ижтимоий-иқтисодий тараққиётимизга хизмат қилаяпти. Бу Ўзбекистон илмий-техникавий салоҳияти нақадар улуғворлигининг яна бир исботидир.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

# Асл миллий, энг ардоқли байрам

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Дарҳақиқат, Наврўзи олам Шарқона янги йилнинг бошланиши, табиат уйғонишининг рамзи, асл миллий, энг ардоқли байрамдир. Жамиятимизда инсонийлик фазилатларини янада мустаҳкамлаш, ёш авлодни миллий анъаналаримизга садоқат руҳида камол топтиришда мазкур қадимий айёмнинг аҳамияти беқиёс.

Бинобарин, юртимизда эртамиз эгаларини баркамол этиб тарбиялаш йўлида ибратли ишлар амалга оширилаяпти. Ёшларимизнинг замонавий асосда билим олиши, касб-ҳунар сирларини пухта эгаллашлари учун кенг имкониятлар яратилган.

Президентимиз ташаббуси билан 2016 йил мамлакатимизда "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилингани ҳам мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ фарзандларимизни ҳар томонлама соғлом бўлиб улғайиши йўлида олиб борилаётган изчил ислоҳотларнинг мантиқий давомидир. Бу борада Давлат дастури қабул қилиниб, устувор вазифалар белгилаб олинди. Қолаверса, Юртбошимизнинг 2014 йил 1 августдаги "2014 — 2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида"ги қарори ҳам ана шундай эзгу саъй-ҳаракатлар билан чамбарчас боғлиқдир.

Наврўз деҳқончилик мавсумининг бошланиши ҳамдир. Айни шу паллада ерга уруғ қадалади. Юртимиз деҳқон ва фермерлари, миришкорлари аллақачон дала юмушларини бошлаб юборишган. Ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш ишлари авжига чиққан.

Наврўзда улоқ-кўпкари, кураш, арқон тортиш, тош кўтариш, дорбозлик каби миллий ўйинларимиз намойиш этилади. Дошқозонларда фаровонлик рамзи сифатида сумалак, ҳалим ва гўжа тайёрланади. Уюштириладиган маросимларда Ватан, Наврўз, табиат ҳақида қўшиқлар айтилади.

Зеро, Наврўзга хос анъана ва удумлар кишига йил давомида ўзгача завқ ҳамда ҳузур бағишлайди.

**Рустамбек АБДУЛЛАЕВ,**
**санъатшунослик фанлари доктори, профессор.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2016 йил 23 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 2046,34 | 1 Россия рубли | 36,97 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 4073,58 | 1 Украина гривнаси | 106,18 |
| | | 1 Малайзия ринггити | 678,48 |
| 1 Дания кронаси | 424,62 | 1 Польша злотийси | 723,18 |
| 1 БАА дирҳами | 776,38 | 1 СДР | 3979,39 |
| 1 АҚШ доллари | 2851,65 | 1 Туркия лираси | 966,40 |
| 1 Миср фунти | 364,20 | 1 Швейцария франки | 2877,55 |
| 1 Исландия кронаси | 22,22 | 1 евро | 3209,75 |
| 1 Канада доллари | 2074,68 | 10 Жанубий Корея вони | 23,12 |
| 1 Хитой юани | 437,44 | 10 Япония иенаси | 252,63 |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

# Замонавий хизмат кўрсатиш мажмуалари

## аҳолига қўшимча қулайликлар яратмоқда

*Президентимизнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида бандликни таъминлаш, одамларимизнинг даромади, ҳаёт сифатини оширишда хизмат кўрсатиш ҳамда сервис соҳаси муҳим омил бўлаётгани алоҳида таъкидланди.*

**ЖАРАЁН**

Бинобарин, жойларда замонавий хизмат кўрсатиш мажмуалари жадаллик билан барпо этилаяпти, қулай турмуш муҳити изчил шаклланмоқда. Ўтган йил мобайнида ялпи ички маҳсулот ўсишининг ярмидан кўпи айни шу соҳа ҳиссасига тўғри келгани, жами иш билан банд фуқароларнинг аксарият қисми мазкур жабҳада меҳнат қилаётгани унинг иқтисодиётимиздаги ўрни ва аҳамияти нечоғли юқори эканлигидан далолат беради.

Қорақалпоғистон Республикасида ҳам ўтган йили соҳа тараққиёти учун 145 миллиард сўмлик инвестициялар ўзлаштирилиб, 3422 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди. Пировардида 6878 та иш ўрни яратилди. Масалан, Чимбой туманида тадбиркор Венера Сатуллаева ташаббуси билан янги кинотеатр, Нукус шаҳрида "Mishodi Nukus" масъулияти чекланган жамияти қошида тўйхона, Қонликўл туманида "Ерназаров Руслан" хусусий корхонасининг савдо дўкони, Тўрткўл туманида "Рухшона — Ҳамид" масъулияти чекланган жамиятининг замонавий меҳмонхонаси, Хўжайли туманида "Машъал — Тахиатош" хусусий фирмаси қошида спорт-соғломлаштириш мажмуаси қурилди.

Бундан ташқари, 2015 йили Оролбўйида қиймати 1 миллиард сўмлик лойиҳалар асосида 54 та "Гўзаллик салони" фойдаланишга топширилиб, юзга яқин киши иш билан таъминланди. Бу амалий лойиҳалар 2016 — 2018 йилларда ҳам давом этади. Яқин келажакда яна 170 та ана шундай мажмуа барпо қилинади.

Айтиш жоизки, бундай эзгу саъй-ҳаракатларда тўрткўллик тадбиркор Руслан Қарриевнинг ҳам муносиб иштироки бор. Унинг ташаббуси билан туман марказида кўп йиллар давомида қаровсиз турган бино капитал таъмирланиб, "Ҳуснора — Севара" умумий овқатланиш хусусий корхонаси фаолият юрита бошлади. Банкнинг 98 миллион сўмлик молиявий кўмаги ҳисобидан очилган корхонада ўнга яқин ёшлар доимий даромад манбаи ва иш жойига эга бўлди.

Шунингдек, Элликқалъа туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида 7 миллиард сўм миқдоридаги маблағ эвазига 60 дан зиёд хизмат кўрсатиш объектлари бунёд этилди. "Бўстон Лидер" хусусий корхонасининг 500 миллион сўм ва банкнинг 80 миллион сўмлик кредити эвазига туман марказида қад ростлаган савдо ҳамда умумий овқатланиш шохобчаси, тадбиркор Умрбек Нурумбетовнинг 430 миллион сўмлик сармояси сарфланган замонавий савдо мажмуаси, "Гулдурсун диёри" масъулияти чекланган жамиятининг "Орзу" тўйхонаси ана шулар жумласидандир.

Мухтасар айтганда, аҳолини иш билан таъминлаш, шу орқали турмуш фаровонлигини янада оширишда мазкур соҳанинг ҳиссаси салмоқли. Муҳими, кўрилаётган чора-тадбирлар нафақат шаҳарлар, балки чекка қишлоқ ва овулларда ҳам анъанавий маиший хизмат турлари билан бир қаторда, замонавий телекоммуникация тизимларини ўз ичига олган янги сервис шохобчаларини кўпайтириш имконини бермоқда.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Франциянинг “Kering” компанияси даромади ўтган йили 31,6 фоиз ўсиб, 696 миллион еврога етди. “Gucci”, “Yves Saint Laurent”, “Puma”, “Bottega Veneta” ва “Alexander McQueen” каби дунёга машҳур модалар уйи унинг таркибига киради.*

## Муваффақиятлар омили

2015 йилнинг сўнгги чорагида “Gucci” кўрган фойда 5 фоиз кўпайгани эришилган муваффақиятда муҳим омил бўлди. Хусусан, мазкур бренд томонидан янги услубдаги либослар яратилгани ҳамда дўконлар дизайни такомиллаштирилгани харидорларни ўзига жалб этди.

## Савдо ҳажми кўпайди

*Январь ойида Буюк Британияда истеъмол товарлари савдоси 2015 йилнинг декабрь ойидагига нисбатан 2,3 фоиз ошди, дейилади “Евроньюс” телеканали хабарида.*



Мутахассисларнинг фикрича, бу маҳсулотларга чегирма бериш мавсуми давом эттирилаётгани билан боғлиқ. Қолаверса, ушбу даврда об-ҳавонинг пасайиб кетиши натижасида қишки кийим-кечак ва пойабзалларга талаб ортган. Дори-дармонлар, гиламлар, спорт инвентарлари ҳамда гулларни харид қилиш ҳажми ҳам кўпайиб, 8 фоизни ташкил этган.

## Тропик тўфон оқибати

*Фиджи Республикасига “Уинстон” тропик тўфони кириб келиши оқибатида йигирмага яқин киши ҳаётдан кўз юмди. Қурбонлар сони ортиши мумкинлиги айтилмоқда.*



Шунингдек, транспорт-коммуникация тизими, инфратузилмалар ва уй-жойлар вайрон бўлди. Ҳозирча қанча зарар кўрилгани маълум эмас. Ноқулай об-ҳаво шароити туфайли қутқарувчилар белгиланган манзилларга бора олмаяпти.

Метеорологларнинг фикрича, бу архипелаг тарихидаги энг йирик табиий офатлардан биридир. Тўфон марказида шамол тезлиги соатига 230 — 320 километргача етиб, қирғоқ яқинида тўлқинлар 12 метр баландликкача кўтарилган.

## Қор кўчкиси

*Канаданинг Британия Колумбияси провинцияси жануби-шарқида қор кўчкиси рўй берди.*



Натижада бир киши ҳалок бўлди, уч нафар одам жароҳатланди.

Аниқланишича, улар кўчки хавфи бор йўлдан тоққа кетаётган бўлишган.

## Йигирма миллион ёшли ўсимлик

*Доминикан Республикасидаги шахталардан бирида 1986 йили топилган каҳрабо таркиби ниҳоят аниқланди.*



АҚШнинг Орегон штати институти олимларининг билдиришича, унинг ичидан қадимги “Strychnos electri” заҳарли ўсимлигининг яхши сақланган гуллари топилди. Йигирма миллион йиллик мазкур ўсимлик картошка, помидор, бақлажон, қаҳва дарахти ва кунжут оиласига мансуб бўлиши мумкин.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

**ДОЛЗАРБ МАВЗУ**

# ТИББИЙ МАДАНИЯТ — САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

*Грипп тез тарқаладиган ўткир юқумли касаллик бўлиб, дунёнинг деярли барча мамлакатида учрайди. Бу хасталик, асосан, куз ва қиш фаслларида кўп кузатилади. Ноябрь — март ойларида эса янада кучаяди.*

*Мазкур касаллик ёш танламайди. Иммунитети заиф, сурункали касаллиги бор беморлар, болалар, кексалар, ҳомиладор аёлларда, айниқса, тез ривожланади. Ўз вақтида муолажа қилинмаса, оғир оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Шу боис грипп авж олган пайтда зарур профилактика чора-тадбирларини қўллаш муҳим аҳамиятга эга.*

*Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, айни кунларда дунёнинг қатор давлатларида грипп вирусининг A(H1N1) штамми кенг тарқалган. Мамлакатимизда грипп вирусининг четдан кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш, ўткир респиратор инфекцияли касалликлардан аҳолини ҳимоялаш мақсадида санитария назорати ва тиббий профилактика тадбирлари кучайтирилган.*

*Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Республика грипп миллий маркази раҳбари, тиббиёт фанлари доктори Равшан РАҲИМОВ бу ҳақда мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:*

— Халқимиз саломатлигини асраш, юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли саъй-ҳаракатлар натижасида юртимизда эпидемиологик вазият барқарорлиги таъминланмоқда.

Айтиш жоизки, грипп ва ўткир юқумли инфекциялар билан касалланишнинг юқори даражаси декабрь ойининг иккинчи ярми ҳамда февралнинг биринчи ўн беш кунлигида кузатилди. Ҳозирги пайтда грипп ва ўткир респиратор инфекциялар билан касалланиш ҳолатлари камайиб бораяпти.

Тиббиёт, таълим, мактабгача таълим муассасаларида кенг қамровли профилактика ишлари мунтазам амалга оширилаётир. Гриппга қарши эмлаш тадбирлари белгиланган режа асосида ўтказилди. Мактабгача таълим муассасалари, мактаб, лицей ва коллежларда эрталабки тиббий кўрик олиб борилмоқда, грипп аломатлари аниқланганларга ўша ернинг ўзида биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилгани кутилган самарани бераяпти.

Полимеразали занжирли реакция (ПЗР)нинг замонавий юқори таъсирчан усули билан касалланишнинг лаборатория назорати шуни кўрсатдики, айни вақтда хасталаниш суръатининг ўсиб бориши, асосан, A(H1N1)pdm09 вируси билан боғлиқ. Айрим оммавий ахборот воситалари ушбу вирусни “чўчқа гриппи” деб хато номлашади. Бу қандайдир янги вирус чиқибди, деган нотўғри фикрни ҳосил қилди. Аслида эса у гриппнинг А гуруҳига мансуб мазкур вирус 2009 йилда пайдо бўлган ва грипп пандемиясини вужудга келтирган. Вирус, ҳақиқатан ҳам, чўчқа организмида шаклланган, уни одамлар илк бор чўчқалардан юқтириб олган. Шу сабабли “чўчқа гриппи” деган атама қўлланила бошланган. Бироқ кейинчалик мазкур касаллик фақатгина инсонлардан инсонларга ўтган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ушбу вирусни унинг антиген тузилмасига мос равишда A(H1N1)pdm09 гриппи вируси, деб белгилаб қўйди. Яъни “pdm09” “пандемик 2009 йил”ни англатади. Пандемия (катта ҳудудларга тарқаладиган эпидемик касаллик) 2010 йили ниҳоясига етганидан сўнг ушбу вирус ҳам мавсумий гриппнинг A(H3N2) ҳамда В вируслари қаторига қўшилди ва одамларда касалланиш ҳолатларига сабаб бўлмоқда. Бу турдаги барча вирус антигенлари гриппга қарши вакциналар таркибига киритилган.

Грипп ва кўплаб ўткир респиратор инфекциялар (ЎРИ)нинг симптомлари ўхшаш. Грипп нафас йўлларининг яллиғланиши билан бошланиб, кейинчалик беморда тана ҳарорати 38-40 даражагача кўтарилиши, бош ва томоқ оғриши, бурун битиши, бурундан суюқлик ажралиши, йўтал, мушакларда оғриқ, ҳолсизлик, иштаҳанинг бузилиши, баъзи ҳолларда қайт қилиш ҳолатлари кузатилади. Хасталик беморларда енгил, ўрта ва оғир шаклларда кечади. Унинг энг хавфли асоратлари ўпка тўқималарининг яллиғланиши — зотилжам (пневмония)дир.

Таъкидлаб ўтиш ўринлики, ўзбошимчалик билан ташхис қўйиш, даволанишга уриниш хавфлидир. Чунки грипп аксарият ЎРИлар каби вирусли инфекция ҳисобланади. Унга антибиотиклар умуман таъсир қилмайди. Улар фақатгина вирусга бактериал инфекциялар қўшилгандагина қўлланилиши мумкин. Шуни ёдда сақлаш лозимки, 10 ёшгача болаларга таркибида аспирин моддаси мавжуд дори воситаларини бериб бўлмайди, чунки бу ҳолатда беморнинг аҳволи оғирлашиши мумкин.

Бетоб бўлган ҳолатларда ташқарига чиқмаслик ва ўз вақтида шифокорга мурожаат қилиш лозим. Беморни алоҳида хонага жойлаштириш керак. Чунки грипп вируси, асосан, ҳаво орқали юқади. Чангларга ҳам ўрнашиб олади. Унга қарши курашда тиббий профилактика қоидаларига риоя этиш жуда муҳимдир. Яъни шахсий гигиенага амал қилиш, ниқоб тақиш, йўталганда оғиз ва бурун қисмларини рўмолча билан беркитиш, овқатланишдан олдин қўлларни совунлаб ювиш, кўпроқ витаминга бой ичимликлар ва таомларни истеъмол қилиш тавсия этилади. Хаста дарддан тезда фориғ бўлишни истаса, шифокорнинг барча кўрсатмасини бажариши зарур. Аҳволи оғирлашган ҳолларда — ҳарорат кўтарилса, мия ёки нафас олиш фаолияти сустлашса, зудлик билан “Тез тиббий ёрдам”га мурожаат қилиши зарур. Боиси оғир кечаётган юқумли инфекцияларни даволаш фақатгина стационар шароитда самара беради.

Мамлакатимизда инфекцион касалликларни эпидемиологик ва лаборатория шароитида мониторинг қилиш доимий равишда амалга оширилади. Жумладан, Республика грипп миллий маркази, унинг жойлардаги таянч пунктлари, Республика давлат санитария-эпидемиология назорати маркази вирусология лабораторияси томонидан грипп вируси ҳамда ўткир юқумли инфекцияларнинг қарийб барча тури замонавий лаборатория усулларида аниқланади.

Тиббий муассасаларда мавсумий грипп ва бошқа касалликларни профилактика, диагностика ва даволашга жиддий тайёргарлик кўрилган. Дорихона тармоқлари грипп ва ЎРИни даволаш учун тиббий ниқоблар, дезинфекция ва дори воситалари билан етарли даражада таъминланган. Мавсумолди даврда кенг кўламда вакцинация ишлари бажарилди, ушбу жараён, аввало, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, кексалар ва тиббиёт ходимлари орасида олиб борилди.

Аҳолининг грипп, унинг хавфли асоратлари, шахсий гигиена қоидалари ва профилактика борасида хабардорлигини ошириш алоҳида аҳамиятга эга. Оммавий ахборот воситалари ва кўргазмали тарғибот материаллари орқали доимий равишда грипп профилактикаси, касалланишнинг салбий оқибатлари, унинг мураккаблашиш ҳоллари ва иммунитет мустаҳкамлигининг афзаллигига оид тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Ўз саломатлигига эътиборли, жисмонан фаол, белгиланган муддатларда тиббий кўрикдан ўтиб, унинг хулосаларига тўла амал қилган инсон хасталикка йўлиқмайди. Зотан, ана шундай юксак тиббий маданият ва соғлом турмуш тарзига риоя этиш орқали нафақат ўзимизнинг, балки келажак авлодларимизнинг ҳам саломатлигини ҳимоялашга эришамиз.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Омонулла ФАЙЗИЕВ**
**ёзиб олди.**





**ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!**

**«АДОЛАТ — ҚОНУН УСТУВОРЛИГИДА»**

**Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг, шунингдек, хўжалик судлари фаолиятининг оммавий ахборот воситаларида ёритилишини янада такомиллаштириш мақсадида «Адолат — қонун устуворлигида» деб номланган танловни эълон қилади.**

Танловга республика миқёсидаги газета, журналларда чоп этилган, телевидение ва радиоканаллар орқали узатилган, хўжалик судлари тизимидаги ислоҳотларни ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарғиб қилишга, аҳолининг бу борадаги ҳуқуқий саводхонлигини оширишга, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга йўналтирилган мақолалар, кўрсатувлар, эшиттиришлар қабул қилинади.

Мақолалар чоп этилган газета ва журналлар, кўрсатув ҳамда эшиттиришлар ёзилган тасмалар Олий хўжалик суди матбуот котибига таҳририят, телевидение, радиоканаллар ходимлари ёки муаллиф томонидан тақдим қилиниши лозим. Танловда учта ва ундан ортиқ мақола, кўрсатув ҳамда эшиттиришлар билан иштирок этиш мумкин. Мақола, кўрсатув ва эшиттириш муаллифининг тўлиқ исм-шарифи, иш жойи ҳамда лавозими, телефон рақами ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилиниши шарт.

Танловга 2016 йил 1 январдан 15 декабргача чоп этилган мақолалар, кўрсатув ва эшиттиришлар қабул қилинади. Танлов 23 декабрда якунланиб, ғолиблар матбуотда эълон қилинади.

**Танлов ғолиблари:**

- 1-ўрин учун — Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг I даражали диплома ва энг кам иш ҳақининг 20 баравари миқдорида пул мукофоти;
- 2 та 2-ўрин учун — Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг II даражали диплома ва ғолибларнинг ҳар бири энг кам иш ҳақининг 10 баравари миқдорида пул мукофоти;
- 3 та 3-ўрин учун — Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг III даражали диплома ва ғолибларнинг ҳар бири энг кам иш ҳақининг 5 баравари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

**Мурожаат учун манзил: 100097, Тошкент шаҳри, Чўпонота кўчаси, 6-уй, Олий хўжалик суди биноси. Телефон: (0-371) 273-94-82. Электрон почта: press@oxs.uz**

211А/88








ЭЪЛОНЛАР

**«AUTO TRADE COOPERATION» МЧЖ**

***очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

**2016 йил 24 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Республика Инкассация хизмати» ДУК Тошкент вилояти бошқармаси ҳисобидаги, Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 1-«А» уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:**

- 1993 йилда ишлаб чиқарилган, «ВАЗ-21093» русумли, давлат рақами 01/251 DCA.

***Бошланғич баҳоси — 2 287 761 сўм 30 тийин.***

- 1990 йилда ишлаб чиқарилган, «ВАЗ-2104» русумли, давлат рақами 01/253 DCA.

***Бошланғич баҳоси — 2 045 249 сўм 80 тийин.***

- 2001 йилда ишлаб чиқарилган, «Damas» русумли, давлат рақами 01/864 ZAA.

***Бошланғич баҳоси — 8 038 493 сўм 10 тийин.***

- 1999 йилда ишлаб чиқарилган, «Damas» русумли, давлат рақами 01/892 ZAA.

***Бошланғич баҳоси — 8 259 457 сўм 80 тийин.***

- 1999 йилда ишлаб чиқарилган, «Damas» русумли, давлат рақами 01/915 ZAA.

***Бошланғич баҳоси — 7 521 852 сўм 80 тийин.***

- 1998 йилда ишлаб чиқарилган, «Damas» русумли, давлат рақами 01/851 ZAA.

***Бошланғич баҳоси — 7 167 014 сўм 80 тийин.***

- 1997 йилда ишлаб чиқарилган, «Damas» русумли, давлат рақами 01/698 ZAA.

***Бошланғич баҳоси — 7 113 466 сўм 80 тийин.***

- 1993 йилда ишлаб чиқарилган, «УАЗ-31512» русумли, давлат рақами 01/368 OAA.

***Бошланғич баҳоси — 2 467 973 сўм 20 тийин.***

- 1992 йилда ишлаб чиқарилган, «УАЗ-31512» русумли, давлат рақами 01/823 ZAA.

***Бошланғич баҳоси — 2 443 713 сўм 80 тийин.***

- 1988 йилда ишлаб чиқарилган, «УАЗ-31512» русумли, давлат рақами 01/887 JAA.

***Бошланғич баҳоси — 2 102 040 сўм 60 тийин.***

- 1996 йилда ишлаб чиқарилган, «ВАЗ-2106» русумли, давлат рақами 01/853 ZAA.

***Бошланғич баҳоси — 3 001 576 сўм 60 тийин.***

- 1995 йилда ишлаб чиқарилган, «ГАЗ-31029» русумли, давлат рақами 01/837 ZAA.

***Бошланғич баҳоси — 2 169 127 сўм 40 тийин.***

2016 йил 24 март куни соат 12.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Олимпия шон-шуҳрати музейи ҳисобидаги, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/408 JBA бўлган, «Nexia» русумли автомашина қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 2 884 000 сўм.***

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолаганидан сўнг мулк бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизи миқдоридаги закалат пулини тўлашлари керак. Аукцион ғолиби томонидан мулкни сотиб олиш баҳосидан ташқари, савдо ташкилотчисига сотув баҳосининг 5 фоизи миқдорида комиссион йиғим тўланади. Савдолар «Auto trade cooperation» МЧЖнинг савдолар залида бўлиб ўтади. Мазкур автотранспорт воситалари сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2016 йил 31 март куни ва ҳар ҳафтанинг пайшанба кунлари юқорида кўрсатилган соатларда ўтказилади.

Аукцион ғолиблари савдо ўтган санадан бошлаб 20 (йигирма) кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузади. Талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдоси бошланишидан бир кун олдин соат 11.00 да ҳамда 12.00 да тўхтатилади. Талабгорлар закалат пулини «Auto trade cooperation» МЧЖнинг АТБ «InfinBANK»даги МФО: 01041, СТИР: 302477464, 20208000505015685001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан бирга қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: жисмоний/юридик шахсни тасдиқловчи ҳуқуқий ҳужжатлар ва закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли вакил қатнашганда, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

*Гувоҳнома № 005148.*

**Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Тел.: (0-595) 193-74-96. E-mail: info@auksion.uz**

315А/138



**«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Акциядорлик тижорат Халқ банки Тошкент шаҳар Миробод филиалининг 2016 йил 19 февралдаги 09-02/70-сонли буюртманомасига асосан, Акциядорлик тижорат Халқ банки Тошкент шаҳар Миробод филиали тасарруфидаги, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Қўйлиқ 4-даҳаси, 50-уйда жойлашган, умумий майдони 63 кв.м.дан иборат бўлган (9 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми) 359-сонли шохобча биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 186 763 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 25 март куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулк 2016 йил 25 март куни сотилмай қолган тақдирда, такрорий савдо 2016 йил 1 апрель куни соат 11.00 да ўтказилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Realtor garant business» МЧЖнинг ХАТБ «Universalbank» Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: 20208000904936050003, МФО: 00996, СТИР: 207125885.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин тўхтатилади.

Аукционда иштирок этиш истагидаги талабгор ёки унинг вакили савдо ташкилотчисига аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилиши лозим:

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, шунингдек, аукционда тўлиқ ваколатли вакил иштирок этган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакил шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;

— аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат пули тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжати нусхаси.

Аукцион савдоси ғолибига аукцион савдоси натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 5 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Кўчмас мулк учун тўловларни амалга ошириш муддати олди-сотди шартномасида сотувчи томонидан белгиланади.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: (0-371) 233-09-38.**

Хизматлар лицензияланган.

319А/143



# Ўзбекистон терма жамоаси Осиё чемпионати совриндори

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Учрашувнинг 6-дақиқасидаёқ Дилшод Ирсалиев рақиб дарвозасини аниқ нишонга олди. Бу гол Эрон терма жамоасини бир оз саросимага солиб қўйди. Бироқ улар тезда ўзларига келишди. Бахснинг 9-дақиқасида Қудрат Баҳодирий мувозанатни тиклади. Шундан сўнг томонлар эҳтиёткорликни янада оширди. Ҳар иккала терма аъзолари ҳимоя ва ҳужум чизиқларида тенг кураш олиб борди. 14-дақиқада эса Муҳаммад Кешаварзнинг аниқ зарбаси эронликларни олдинга олиб чиқди. Иккинчи бўлим ҳам, кутилганидек, хавфли вазиятларга бой кечди.

Шундай қилиб, мамлакатимиз минифутболчилари тўртинчи бор кумуш медалга сазовор бўлдилар.

Вьетнам терма жамоасини 8:0 ҳисобида мағлубиятга учратган таиландликлар эса учинчи ўринни эгаллади.

Айтиш ўринлики, мусобақа давомида футболчиларимизни бевосита "Ўзбекистон" спорт мажмуасида минглаб мухлислар фаол қўллаб-қувватлаб туришди. Жамоамиз бош мураббийи, испаниялик мутахассис Хосе Мария Мендез 20 йиллик фаолияти давомида ўзбекистонликлардек футбол ишқибозларини кўрмаганини алоҳида эътироф этгани бунинг тасдиғидир. Ўз навбатида, қитъа биринчилигининг барча иштирокчиси мусобақа юқори савияда ўтказилгани учун ташкилотчиларга алоҳида миннатдорлик билдирди.

Осиё чемпионатида муваффақиятли қатнашган Эрон, Ўзбекистон, Таиланд, Вьетнам ва Австралия терма жамоалари жорий йилнинг сентябрь-октябрь ойларида Колумбияда бўладиган жаҳон чемпионатида иштирок этади.

# Инновацион лойиҳалар

## илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида "Олий таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги инновацион ҳамкорлик" мавзуида анжуман бўлиб ўтди.

**АНЖУМАН**

Вазирлик мутасаддилари, олий ўқув юртларининг илмий ишлар бўйича проректорлари, илмий тадқиқот марказлари ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган мазкур тадбирда мамлакатимизда таълим тизимини янги босқичга кўтариш, илм-фаннинг юксак интеллектуал салоҳияти асосида инновацион иқтисодиётни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги таъкидланди.

Бугунги кунда олий ўқув юртларида илмий тадқиқот фаолиятини изчил ривожлантириш, малакали педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, олий таълим муассасаси, фан ва ишлаб чиқаришнинг инновацион корпоратив ҳамкорлигини ташкил қилишни йўлга қўйиш борасида кўплаб ишлар амалга оширилаяпти. Хусусан, олий таълим муассасаларининг ихтисослик кафедралари қошида 1230 дан ортиқ инновацион гуруҳлар шакллантирилди. Уларда муайян йўналишга мос замонавий корхоналар тўғрисида маълумотлар базаси яратилган. Илмий-технологик муаммолар банки шакллантирилиб, соҳа ва ихтисосликларга мос 4 минг 400 дан ортиқ корхона ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган.

Олий таълим ва илмий тадқиқот муассасалари томонидан қарийб 27 миллиард сўмга тенг 465 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Улар доирасида 116 та патент, 44 та компьютер дастурий маҳсулотига гувоҳномалар олинди. Илмий тадқиқот ишлари натижасида қишлоқ хўжалиги, кимё, нефть-газ, металлургия, машинасозлик, фармацевтика саноатлари учун янги ишланмалар яратилиб, ишлаб чиқаришга татбиқ этилди. Ёш олимларнинг муҳим фундаментал тадқиқотлари ишлаб чиқарувчилар ҳамда иқтисодиётимизнинг асосий тармоқлари эҳтиёжига йўналтирилаяпти.

Айни пайтда юртимизда энг истиқболли деб топилган бундай ишланмаларнинг олтитаси олий таълим муассасалари олимлари томонидан яратилганини алоҳида қайд этиш мумкин.

Анжуманда Президентимиз ташаббуси билан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркалари амалий тадқиқотларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш, инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги яқин ҳамкорликни таъминлашнинг муҳим механизмларидан бирига айлангани ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**О. ЛУТФУЛЛАЕВ.**

# МАДАНИЯТ хабарлари

*Халқимиз азалдан мусиқа санъатини севиб, ардоқлаб келади. Боиси, яхши куй-қўшиқ дилларга ором беради, чин инсоний туйғуларни камолга етказади.*

## «Назм ва наво» кечаси

Пойтахтимиздаги "Истиқлол" санъат саройида бўлиб ўтган "Назм ва наво" кечасида мумтоз ашулаларимиздан намуналар янграли. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Ёшлар маданият ва санъат маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда миллий санъатимизнинг барча турини янада равнақ топтиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар амалга оширилаяпти. Таълим муассасаларида ёшларимиз унинг сир-синоатларидан воқиф бўлишаётир. Соҳа вакиллари меҳнати алоҳида қадрланиб, ижоди ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Бу каби эъзоз-эътибордан руҳланган хонандалар миллий мусиқамизни нафақат юртимиз, балки халқаро миқёсда ҳам кенг тарғиб қилаяпти.

Ижодий кечада мумтоз қўшиқчилик санъатининг бетакрор намуналари ижро этилди. Айниқса, шеърият мулкининг султони Алишер Навоий ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ғазаллари асосида яратилган дилбар ашулалар йиғилганлар кўнглида хушнудлик уйғотди.

— Мутафаккир боболонларимизнинг бой ижодий мероси, уларда улуғланган умумбашарий ғоялар инсонни эзгуликка чорлайди, — дейди Ўзбекистон Республикаси халқ артисти Замира Суюнова. — Бинобарин, Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур мумтоз адабиётимиз билан биргаликда, санъат ривожига ҳам катта ҳисса қўшишган. Шунинг учун уларнинг ғазаллари куйга солинганида, ўзгача тароват ва жозиба касб этади, киши кўнглига руҳий қувват бағишлайди.

Тадбирда буюк шоирларимизнинг жаҳон адабиётидан муносиб ўрин олган, инсонларни комилликка етакловчи бебаҳо асарларидан намуналар ўқилди. Ушбу беқиёс маънавий мероснинг ёшлар тарбиясидаги ўрни хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Дилмурод СОДИҚОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Анъаналар акс этган суратлар

*Сирдарёда Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб "Ўзбекистон — бағрикенг диёр" деб номланган фотокўргазма ташкил этилди.*

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан истиқлол йилларида эришилган ютуқларимиз, бой тарихимиз, бетакрор меросимиз, кўҳна урф-одат ҳамда анъаналаримизни тарғиб қилиш мақсадида уюштирилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, фото санъати усталари ҳамда талаба-ёшлар қатнашди.

"Бунёдкорлик, маданият ва санъат", "Спорт", "Диний бағрикенглик" каби мавзуларни қамраб олган кўргазмада таниқли ижодкорларнинг 120 дан ортиқ асарлари намойиш қилинди.

**Дилфуза ҚАРШИБОЕВА.**

## Она юрт жамоли

*Термиз шаҳридаги Ёшлар марказида Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, таниқли рассом Турсунпўлат Ўроқов ва фото санъати устаси Розалия Байкованинг ижодий ишлари кўргазмаси бўлиб ўтди.*

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида уюштирилган кўргазма "Гўзал диёрим менинг" деб номланди. Бинобарин, экспонатдан жой олган асарларда юртимиз жамоли, бунёдкорлик ишлари, шунингдек, тиббиёт соҳасидаги ютуқлар ифодаланган.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Сурхондарё вилояти кенгаши ташаббуси билан ўтказилган мазкур тадбир ёшларнинг маънавий дунёқарашини бойитиб, Ватанга муҳаббат, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида камол топишига хизмат қилади.

**Моҳира АДИЗОВА.**

# Курашчиларимиз муваффақияти

*Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича қитъа чемпионати бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон терма жамоаси ҳам муваффақиятли қатнашди.*

Жумладан, юнон-рум кураши йўналишида Дилшод Турдиев, Нурбек Холмуҳамматов ва Муҳаммадали Шамсиддинов кумуш, Арам Варланян эса бронза медаллари соҳиби бўлди.

Йигирмадан зиёд терма жамоа иштирок этган мусобақада вакилларимиз умумжамоа ҳисобида тўртинчи ўринни эгаллади.

**Саиджон МАХСУМОВ тайёрлади.**

**Хабар**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2016 ЙИЛ 13 ФЕВРАЛДАН 19 ФЕВРАЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2016 йил 28 январдаги 220/2-сон «Малакавий имтиҳонларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

**2016 йил 17 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2764 (2016 йил 22 февралдан кучга кирди).**

2. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2016 йил 12 февралдаги 22-сон «Супер элита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик ғалла етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун хўжаликлар ўртасида танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

**2016 йил 17 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1794-2 (2016 йил 22 февралдан кучга кирди).**

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2016 йил 6 февралдаги 2/1-сон «Микрокредит ташкилотларида аудит текширувларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

**2016 йил 18 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2379-2 (2016 йил 22 февралдан кучга кирди).**

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг «Малакавий имтиҳонларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2442, 2013 йил 25 март).

**Адлия вазирининг 2016 йил 17 февралдаги 37-мҳ-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

**Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

ЭЪЛОН

Qishloq Qurilish Bank

юртдошларимизга қуйидаги янги омонат турларини таклиф этади:

**Миллий валютада:**

**«Соғлом авлод»** — омонатга маблағлар 4 ойга қабул қилинади.
**«Қиш фасли»** — омонатга маблағлар 5 ойга қабул қилинади.
**«Ёрқин келажак»** — омонатга маблағлар 8 ойга қабул қилинади.

*Ушбу омонатларга қабул қилинган маблағлар учун ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.*

**Хорижий валютада:**

**«Percent»** — омонатга маблағлар 4 ойга қабул қилинади.
**«Profit»** — омонатга маблағлар 12 ойга қабул қилинади.

*Омонатга маблағлар АҚШ долларида қабул қилинади, фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугаганидан сўнг тўлаб берилади.*

**Қуйидаги омонат турлари намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойларни олувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий этилган:**

**«Мадад»** — маблағлар 1 йилдан кам бўлмаган муддатга қабул қилинади.
**«Хонадон»** — маблағлар 1 йилдан ортиқ муддатга қабул қилинади.
**«Қурилишга бошланғич бадал»** — муддати — 1 йил.

**Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.**

**Сизнинг омонатингиз:**

- **солиқ ва мажбурий тўловлардан озод;**
- **эгалик қилиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;**
- **миқдори чекланмаган.**

Мурожаат учун телефонлар: (+99871) 150-72-58, 150-39-93.

**www.qqb.uz**

*«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!*

Хизматлар лицензияланган.

188R/632

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) жамоаси Омбудсманнинг Наманган вилояти бўйича минтақавий вакили **Алимжон НУРИТДИНОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

"O'zbekiston" телерадиоканали" давлат унитар корхонаси жамоаси Кўнгилочар ва мусиқий эшиттиришлар муҳарририяти бўлим мудири Ҳалима Аҳмедовага отаси **Раҳмат АҲМЕДОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти жамоаси Чарм буюмларини конструкциялаш ва технологияси кафедраси доценти Нодир Мирзаевга отаси, Кимё кафедрасининг фахрийси **Баҳодир МИРЗАЕВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 267. 141 724 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Д. Содиқов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.30 Топширилди — 21.30 1 2 3 4 5 6